ДУШАНБА

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 103 (10.408) / 2005 ЙИЛ 30 МАЙ

## ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:
## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 25-27 МАЙ КУНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ.**

Хитойнинг БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси эканлиги, халқаро аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда унинг нуқтаи назари ва қарашларига алоҳида эътибор берилиши, ҳарбий салоҳияти, коинотни тадқиқ этишдаги ютуқлари, шунингдек, ялпи ички маҳсулот, ташқи савдо ва экспорт ҳажми жиҳатидан етакчи ўнликка кириши, иқтисодий ўсиш борасида олдинги ўринларда туриши Чин юртининг жаҳон иқтисодиёти ва халқаро сиёсат майдонидаги ўрни ҳақида муайян тасаввур беради. «Осиё аждарлари»нинг аксариятини анча ташвишга солган 1997 йилги Жануби-шарқий Осиё иқтисодий бўҳрони Хитойга жиддий таъсир кўрсатмагани ҳам унинг нечоғли қудратли ва салоҳияти баланд эканлигидан далолатдир.

Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи Буюк Ипак йўлининг ўтмишидек неча минг йилликлар қаъридан бошланади. Бу алоқалар ҳозир замоннинг энг долзарб талабларига мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Албатта, бунда икки мамлакат раҳбариятининг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига қарашлари ўхшаш, халқаро ва минтақавий муаммоларга доир нуқтаи назари яқин эканлиги, Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасидаги дўстлик муносабатлари қарор топгани муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида давлат раҳбарлари, вазирлик ва идоралар, илмий доиралар, маданият ва санъат намояндалари, иш одамлари даражасидаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани ҳам икки томонлама муносабатлар ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат асосида равнақ топиб бораётганидан далолатдир. 2004 йил ХХР Раиси давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлган эди. Мана, энди Ўзбекистон Президенти давлат ташрифи билан Хитойга борди.

Мулоқотларнинг узвийлиги ўзаро алоқаларни таҳлил этиш, минтақада ва дунёда рўй бераётган воқеаларни муҳокама қилиш учун яхши имконият яратади. Тошкент саммити якунида Ўзбекистон ва Хитой олдига янги вазифалар қўйилган эди. Бу галги музокараларда ўтган қисқа вақт мобайнида биргаликда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Шу маънода, Пекин учрашувини Тошкент саммитининг мантиқий давоми, деб айтиш мумкин.

Ислом Каримовнинг Хитой сафарига Ху Цзиньтаонинг ташаббуси билан давлат ташрифи мақоми берилди. Ташриф асносида жами 24 ҳужжатга имзо чекилди. Булар Хитойнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга улкан иштиёқидан далолат беради.

Пекинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан ХХР Раиси Ху Цзиньтао ўртасида аввал тор доирада, кейин кенгайтирилган таркибда музокаралар бўлиб ўтди. ХХР Раиси Президентимизни Хитойга ташрифи билан самимий қутлаб, давлатимиз раҳбарининг икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасини юксак қадрлашини таъкидлади. Ислом Каримов эса Ўзбекистон Хитойни яқин қўшни ва ишончли шерик деб билишини қайд этди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар. Савдо-иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий соҳалардаги алоқаларнинг бугунги аҳволи таҳлил этилди, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Мулоқотларда мамлакатимиздаги энергетика манбаларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш, транспорт, алоқа ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорликни янги поғонага кўтариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартномага имзо чекдилар.

Бу ҳужжат икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга ва алоқалар кўламини янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга қаратилган.

Ислом Каримов мазкур Шартнома Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганидан далолат эканлигини, стратегик шериклик муносабатларини равнақ топтириш учун мустаҳкам асос бўлишини таъкидлади.

Ху Цзиньтао Шартнома икки мамлакат халқларининг анъанавий дўстликни қўллаб-қувватлаш йўлидаги қатъий саъй-ҳаракатларини намоён этишини, Ўзбекистон-Хитой муносабатларини узоқ муддатли асосда ривожлантириш учун мустаҳкам сиёсий ва ҳуқуқий замин яратишини қайд этди.

Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берамиз, деди Хитой раҳбари. Шартнома руҳиятига мувофиқ, анъанавий дўстликни мустаҳкамлаш, шерикликни фаоллаштириш учун Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликка тайёрмиз. Хитой ўзбек халқининг ўз миллий хусусиятларидан келиб чиқиб танлаган тараққиёт йўлига, мустақилликни мустаҳкамлаш, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни дахлсиз сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига ҳурмат билан қарайди, деб алоҳида таъкидлади ХХР Раиси.

Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида техникавий-иқтисодий ҳамкорлик ва божхона иши соҳасида ўзаро ёрдам тўғрисидаги битимлар, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2005-2006 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги билан Хитой Давлат ривожланиш ва ислоҳотлар ишлари қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази билан Хитой Фан ва техника вазирлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори технологиялар ва инновациялар бўйича Ўзбекистон-Хитой илмий-кўргазма марказини ташкил этиш тўғрисидаги идоралараро англашув протоколи, адлия вазирликлари ўртасида суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Хитой Ахборот саноати вазирлиги ўртасида алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан Хитой Тижорат вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, молия вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан Хитой радиоэшиттириш, кинематография ва телевидение ишлари бўйича бош бошқармаси ўртасида радиоэшиттиришлар ва телевидение соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Хитойнинг Миллий сайёҳлик маъмурияти ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Хитойнинг Халқаро савдони ривожлантириш қўмитаси ва Халқаро савдо палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси ўртасида Ўзбекистон ҳудудида геологик қидирув ишларини бажариш ва нефть конларини ишлатиш бўйича «ЎзCNPC Петролиум» қўшма корхонасини тузиш тўғрисидаги битим, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан Хитой Миллатлар маркази университети ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Имзоланган ҳужжатлар рўйхатининг ўзиёқ ташриф давомида муносабатларимиз кўламини кенгайтирадиган ва ҳамкорликни янги мазмун, муайян режалар билан бойитадиган масалалар кўриб чиқилганини кўрсатади. Техникавий-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим алоқаларни ривожлантириш жараёнини соддалаштиришга, янги йўналишларни очишга хизмат қилади. Божхона ишига оид битим эса ўзаро савдо алоқаларини енгиллаштиради.

**Давоми 2-бетда.**

### ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

**Қисқа сатрларда**

● **БУГУН** “Туркистон” саройида Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, “Камолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорликларида меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида хайрия концерти уюштирилди.

● **БУГУН** “Ҳумо” қаҳвахонасида Собир Раҳимов туман ҳокимлиги ташаббуси билан 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун хайрия тадбири ташкил этилди.

● **ЭРТАГА** Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика-сейсмик иншоотлар марказида “Маънавият ва маърифат” марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан уюштириладиган тадбир “Болалар — бизнинг келажагимиз” деб номланади.

● “**ТАЪМИНОТЧИ** — хизматчи” очиқ акциядорлик жамиятида “Диний ақидапарастлик ва унинг олдини олиш” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** куни 300-мактабда “Маънавият ва маърифат” марказининг туман бўлими томонидан “Гиёвандлик — умр заволи” мавзуида уюштирилган давра суҳбатида мактабнинг юқори синф ўқувчилари ва ўқитувчилари иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

### XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

#### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида ЕИ комиссиясининг ЕвропаЭйд дастури доирасидаги «Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада ривожлантириш» лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Конституциявий суд ва Олий суд ҳамкорлигида «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва қонун устуворлигини таъминлашнинг долзарб масалалари: халқаро тажриба» мавзуида конференция ўтказилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида сафарбарлик чақируви резерви батальони шахсий таркибининг ҳарбий қасамёд қабул қилишга бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди.**

● **Урганч шаҳрида республика Савдо-саноат палатаси ва ЮСАИД агентлиги ҳамкорликда ўтказган давра суҳбатида мамлакатимизнинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш имкониятлари ва бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.**

● **Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида «Электротехниканинг назарий асослари» фанидан талабаларнинг республика олимпиадаси бўлиб ўтди.**

#### Жаҳонда

● **Москва вице-мэри Валерий Шанцеснинг билдиришича, Россия пойтахти электр қуввати тармоқларида рўй берган авария катта молиявий зарар келтирган. Энг муҳими, авария оқибатлари тўлиқ бартараф қилинди.**

● **Америка ҳарбийларининг маълум қилишича, Ироқнинг Бағдод шаҳри шимолида жангарилар ҳужуми оқибатида «ОН-58 Kiowa» вертолёти ҳалокатга учраган.**

● **Лотин Америкасида Шимолий Америкага тегишли бўлган янги Tele SUR канали фаолият бошлади. Мазкур телеканал кўрсатувлари сунъий йўлдош орқали Жанубий, Марказий ва Шимолий Америкага узатилади.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги мулоқотнинг фаоллаштирилиши, савдо-саноат палаталарининг бевосита алоқалари ҳам қатор қулайликлар яратилишини кўзда тутади. Иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, алоқа ва ахборот технологиялари билан шуғулланувчи вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлиги нечоғли фойдали эканлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Зеро, қишлоқ хўжалиги Ўзбекистонда ҳам, Хитойда ҳам иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан саналади, алоқа ва ахборот технологиялари эса ҳозирги кунда энг долзарб соҳалардан биридир.

Телерадио соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон ва Хитой ўртасида кенг кўламда ахборот алмашувини йўлга қўйишга қаратилган. Ахборот асрида бир-биридан хабардорлик, ҳамкорлар ва шериклар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш ғоят муҳим. Сайёҳларнинг борди-келдисини кўпайтириш ҳам халқларимизни бир-бирига янада яқин таништиришга, ўзаро ишонч ва дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Олий ўқув юртлари алоқаларининг самараси сифатида Тошкент давлат шарқшунослик институтида Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институти, Хитой Миллатлар марказий университетида ўзбек тили бўлими очилганини қайд этиш ўринлидир. Таъкидлаш жоизки, Хитойнинг мазкур олий ўқув юрти кадрлар тайёрлаш борасидаги халқаро ҳамкорлик тажрибасини айнан Ўзбекистондан бошлади. Мазкур университетга ўзбек тилини ўрганиш бўйича кўплаб қўлланма ва илмий-услубий адабиётлар тақдим этилган. Ташриф асносида эса университет жамоасига Ислом Каримов асарларининг тўплами топширилди. Бу Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги энг янги тарихини, мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни ва уларнинг самарасини чуқур ўрганишда хитойлик талабалар учун муҳим дастуриламал бўлади.

Нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликка оид битим Ўзбекистонга 600 миллион АҚШ доллари миқдорида Хитой сармояси киритилишини кўзда тутади. Дунёда энергияга талаб ошиб бораётган ҳозирги кунда бу келишув ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда энергетика заҳиралари кўп. Ҳали барча конлар яхши ўрганиб чиқилмаган.

Ер ости бойлигини юзага чиқариш ҳам анча меҳнат ва маблағ талаб қилади. Шу маънода, Хитой билан бу йўналишдаги ҳамкорлик икки томон учун ҳам айни муддаодир.

Икки мамлакат раҳбарларининг суҳбати чоғида халқаро терроризм, экстремизм ва айирмачиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Бунда ШҲТнинг, хусусан, унинг Тошкентда жойлашган Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг аҳамияти катта эканлиги таъкидланди. Бу иллатларга қарши курашда, тинчлик ва барқарорликка раҳна солувчи таҳдидларнинг олдини олишда кўп томонлама ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асосида иш юритилганда кутилган натижага эришиш мумкин. Бу борада томонларнинг фикри бир жойдан чиқди.

Президент Ислом Каримов Пекин сафари давомида ХХР Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябао билан учрашди. Ушбу мулоқот икки давлат раҳбарларининг музокараларида эришилган келишувларни ҳаётга жорий қилишнинг амалий жиҳатлари муҳокамасига бағишланди.

Давлатимиз раҳбарининг ХХР Давлат кенгашининг ташқи сиёсат ва минтақавий ҳамкорлик масалалари учун масъул аъзоси Тан Цзясюань билан учрашувида ўзаро сиёсий муносабатлар, Ўзбекистон-Хитой алоқаларини ривожлантириш орқали Марказий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президентимизнинг Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин, молия вазири Цзинь Жэньцин, тижорат вазири Бо Силай билан учрашувларида асосий эътибор сиёсий ва савдо-иқтисодий алоқаларга қаратилди. Б.Силай билан учрашувда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди. Ушбу мулоқот чоғида ҳамкорликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов ШҲТ ижрочи котиби Чжан Дэгуанни қабул қилди. Учрашувда ШҲТ фаолияти, ташкилотнинг навбатдаги саммитига тайёргарлик, минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидламоқ жоизки, Ислом Каримовнинг ташрифига икки томон ҳам юксак ҳозирлик кўрди. Олий мақомдаги учрашувлар қаторида вазирлик ва идоралар даражасида ҳам кўплаб музокаралар ўтказилди. Булар натижасида ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Хитой Эксимбанки ўртасида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ҳамда Тўполанг ГЭСига агрегат ўрнатиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида иккита кредит битими, «Фарғонаазот» ОАЖ билан «Гринкул» компанияси ўртасида қўшма корхона тузиш тўғрисида таъсис ҳужжатлари, «Мотор заводи»да «Гринкул» компанияси иштирокида двигателлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тўғрисида ҳамкорлик меморандуми, икки мамлакат ҳамкорлигида мобиль телефон аппаратлари ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик меморандуми, «Марказсаноатэкспорт» компанияси томонидан Хитойга мис етказиб бериш тўғрисида мувақкат битим, «Ўзсаноатмашимпекс» компанияси томонидан Хитойга пахта етказиб бериш тўғрисида мувақкат битим, «Ўзкимёсаноат» компанияси билан «Луянг Ланбин» компанияси ўртасида англашув протоколи, «Ўзкимёсаноат» компанияси билан «Гринкул» компанияси ўртасида қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида бош битим имзоланди.

Ташриф давомида қабул қилинган ҳужжатлар Ўзбекистонга жами 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида Хитой сармояси киритилишини кўзда тутади. Ишбилармон доираларнинг ҳамкорлиги натижасида саноатнинг янги соҳалари ўзлаштирилиши, бир неча қўшма корхона тузилиши диққатга сазовордир.

Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида эришилган савдо-иқтисодий ва сармоявий келишувларнинг молиявий ҳажми 350 миллион АҚШ долларини ташкил этганди. Хитой ташрифи асносидаги музокаралар бу кўрсаткични бир неча карра оширди, ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишларини белгилаб берди.

Ху Цзиньтао билан олий даражадаги учрашувдан сўнг Президентимиз яна бир неча музокара ўтказди. Хитой ҳукумати вакиллари Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи ғоят самарали кечаётганини таъкидлаб, Ислом Каримовни эришилган муваффақият билан самимий қутладилар.

Яна бир диққатга сазовор жиҳат шуки, Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао амалий ҳамкорликни кенгайтириб бориш, олий даражадаги мулоқотларнинг мунтазамлигини таъминлашга келишиб олдилар. Бу Пекин учрашувлари мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги поғонага кўтаришда навбатдаги залворли қадам эканлигидан, истиқболда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари янада кенг кўламда ривожланиб боришидан далолатдир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Пекин-Тошкент.**
**(ЎзА)**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди. Унда журналистлар шу йил 13 май куни Андижонда содир этилган фожиали воқеалар юзасидан қўзғатилган жиноий иш бўйича бошланган дастлабки терговнинг натижалари билан таништирилди.**

Илгари хабар қилинганидек, мазкур воқеа бўйича Ўзбекистон Бош прокурори томонидан 2005 йил 13 майда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг терроризм, конституциявий тузумга тажовуз қилиш, икки ва ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш, оммавий тартибсизликлар уюштириш, одамларни гаровга олиш каби жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Бош прокуратура матбубот хизмати раҳбари С.Ортиқованинг маълум қилишича, тезкор тергов гуруҳи томонидан террорчилик ҳаракатлари сабаблари, жиноятларнинг барча иштирокчиларини аниқлаш, улардан ноқонуний эгаллаб олинган қуроллар ва ўқ-дориларни қайтариб олиш, ҳалок бўлганларнинг шахсини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Қўлга олинган 98 шахсдан 52 нафари террорчилик ҳаракатларига алоқадорликда гумон қилиниб ҳибсга олинди.

Террорчилик ҳаракатлари натижасида ҳалок бўлганларнинг умумий сони 173 кишига етди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оғир ярадор бўлган яна уч нафар ходими касалхонада вафот этди.

Террорчилар қамоқдан чиқариб юборган 527 маҳбуснинг 470 нафари ўз ихтиёри билан жазони ўташ жойига қайтиб келди. Кўрилган чоралар натижасида 15 маҳбус қамоққа қайтарилди. Қолган маҳбусларни қидирув ишлари давом этмоқда.

Террорчилар қўшни давлатга зўравонлик билан олиб ўтган тинч аҳоли вакилларини Ватанимизга қайтариш чоралари кўрилмоқда. Улардан 6 киши юртимизга қайтди.

Мамлакатимиз ҳукумати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан террорчилик ҳаракатлари оқибатларини бартараф этиш борасида комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ушбу иш бўйича тергов давом этмоқда.

**(ЎзА)**

# АТОҚЛИ АДИБГА ЭҲТИРОМ

**Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маданиятимиз, илм-фан, адабиёт ва санъатимиз ривожига улкан ҳисса қўшган йирик намояндалар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек адабиёти ва илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган академик адиб Ойбек ижодининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 21 декабрда қабул қилган «Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бунинг яна бир исботидир.

Мустақиллик йилларида буюк адиб ҳаёти ва ижодини ўрганиш янги босқичга кўтарилди. Зеро, халқимизни, айниқса, ёшларни Ватанга муҳаббат, садоқат, халқпарварлик руҳида тарбиялашда Ойбекнинг ҳаёт йўли, унинг асарлари ибрат ва намунадир. Президентимизнинг Фармонига мувофиқ Ойбек «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган.

Ойбек таваллуд санасига тайёргарлик доирасида атоқли шоир ва адиб ижодининг барча қирраларини атрофлича тадқиқ ва тарғиб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Унинг танланган асарлари, адиб ҳақида замондошларининг хотиралари китоб ҳолида чоп этилди. Кино усталари томонидан адиб ҳаёти ва ижодий меросига бағишланган ҳужжатли фильм яратилди.

... 27 май куни эрталаб шоир ва ёзувчилар, фан ва маданият намояндалари, адибнинг яқинлари, талабалар ва жамоатчилик вакиллари улуғ адиб руҳи покига ҳурмат бажо келтириб, қабрига гулчамбарлар қўйдилар.

Шундай хайрли тадбирлардан бири Ойбек уй-музейида бўлиб ўтди.

Адиб ҳаёти, фаолияти ва ижоди билан боғлиқ йигирма минг экспонатга эга уй-музей яқинда қайта таъмирланди. Бу ерда янги экспозиция очилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққан маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Т.Мирзаев, Ўзбекистон халқ шоири Ж.Жабборов ва бошқалар Ойбекнинг ўлмас мероси, ёшлар тарбиясидаги аҳамияти хусусида тўхталдилар.

Уй-музейдаги Ойбекка тегишли шахсий буюмлар, архив материаллари, фотосуратлар, бадиий асарларнинг асл нусхалари атоқли адиб болалиги, талабалик йиллари, ижоди, орзу-умидлари, уй-кечинмалари хусусида тўлақонли ва атрофлича маълумотга эга бўлиш учун хизмат қилади.

Шу куни Ўзбек Миллий академик драма театрида Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, талаба-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари Р.Қосимов Ойбек ижодида миллат руҳи, эзгу анъаналари ва қадриятлари акс эттирилгани ва шу боис унинг асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини таъкидлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, шоира Ҳ.Рустамова, Ўзбекистон халқ артисти Ё.Аҳмедов ва бошқалар адиб асарлари ҳозир ҳам кишиларимиз онгига буюк аждодларга эҳтиром, Ватанга муҳаббат, фидойилик, умрбоқий миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини сингдиришга хизмат қилаётганини қайд этдилар.

Ойбек қаламига мансуб «Навоий» романи хитой тилида қайта нашр этилгани адиб тўйига яна бир муносиб тўёна бўлди. Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги мувақкат ишлар вакили Цуй Гоцзе ўзбек-хитой маданий алоқалари ривожи ҳақида гапириб, буюк ўзбек шоирига бағишланган асарнинг ана шу янги нашри нусхасини Ойбек уй-музейига тақдим қилди.

Тантанали кеча Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим асари асосида режиссёр Валижон Умаров саҳналаштирган «Адибнинг умри» спектакли намойиши билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов қатнашди.

**(ЎзА)**

**Нуфузли «The Banker» халқаро банк журнали рейтингига кўра (2005 йил май сони), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 23-ўринни эгаллаб, Марказий ва Шарқий Европа, Россия, Марказий Осиё минтақасидаги 100 та энг йирик банклар сафига киритилди.**

# ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Миллий банк матбуот хизматининг маълум қилишича, ушбу муассаса Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга фаол кўмаклашмоқда. Айни пайтда маҳаллий бизнесни юксалтириш учун хорижий сармоя жалб қилишнинг асосий канали сифатида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни босқичма-босқич кенгайтирмоқда.

Халқаро молия институтлари, банклар ва қатор экспорт-кредит агентларининг кредит линиялари доирасида банк томонидан қиймати 404,5 миллион АҚШ долларига тенг 142 та лойиҳа молиялашга қабул қилинди. Шундан кредит маблағлар миқдори 225,5 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон банк тизими жами капитал миқдорининг 50 фоизини ташкил этувчи маълум даражадаги ресурс базаси ва активлари Миллий банкка йирик ва узоқ муддатли кредитлар, инвестициялар бериш, халқаро молия бозоридан маблағ жалб қилиш учун Ўзбекистон банклари орасида энг яхши ўринни эгаллаш имконини беради.

**ЎзА**

# ҚУРОЛ ТУТГАН «ТАРҒИБОТЧИЛАР»

**Андижонда бўлиб ўтган фожиали воқеалар Ўзбекистон халқи учун ирода мустаҳкамлиги ҳамда ўзи танлаган дунёвий, демократик давлат барпо этиш йўлидаги қатъиятининг чинакам синови бўлди. Бу жиноятқорона хуружнинг ташкилотчи ва ижрочилари ўз ваҳшийлиги ва манманлиги билан бутун дунё аҳлини ларзага солди, десак асло муболаға бўлмайди. Ўзбек халқи ёлғон-яшиққа ва жиноятчиларнинг сурбетларча даъватларига учмади.**

Эслаб ўтиш жоизки, барқарорликни издан чиқариш, тараққиётнинг тинч ва бунёдкорлик йўлидан қайтариш каби бундай уринишлар мамлакатимизда биринчи маротаба рўй бераётгани йўқ. Албатта, булар Ўзбекистонда конституциявий тизимни ағдариб ташлаш, минтақада ўрта асрлардаги сингари «мусулмон биродарлиги ва жипслиги» асосидаги халифаликни барпо қилишдек ғояларни ўзининг дастурий мақсад-вазифалари этиб белгилаган унсурлар манфаатига мос келади. «Сценарийни тайёрлашда ва уни амалга оширишда турли диний марказлар бевосита иштирок этган», — деб таъкидлади Президент Ислом Каримов 14 май куни журналистлар билан бўлиб ўтган учрашув чоғида.

Фожиали Андижон воқеалари мисолида радикал кучлар, шу жумладан, «Ҳизб-ут-Таҳрир» ва «Акромийлар» деб аталмиш гуруҳлар ўзларининг узоқни кўзлаган мақсадларига эришиш йўлида фақатгина «ишонтириш кучи» ҳамда «куч ишлатмаслик» мафкурасини қўлламасликларини яна бир маротаба яққол намоён этди. Қатор шаҳар объектларига қуролли ҳужум қилиб, қурол-яроғларни қўлга киритиш ва одамларни гаровга олиш ҳамда маҳаллий маъмурият биносига бостириб кириш сингари хатти-ҳаракатларни «курашнинг тинч ва куч ишлатмаслик услуби» деб атаб бўладими? Бундай услуб аслида янгилик эмас: улар араб дунёсининг бир неча мамлакатларида, шу жумладан, Жазоир, Миср ва Марокашда террорчилар томонидан «амалиётга татбиқ қилинган»лиги тарихдан яхши маълум.

Қуддуси шарифда шариат қозиси Тақиддин ан-Набаҳоний томонидан 1953 йилда асос солинган «Ҳизб-ут-Таҳрир» диний-сиёсий экстремистик ташкилоти ҳақида кўп ёзилган. Айни пайтда, мазкур ташкилот фаолияти жаҳоннинг барча давлатларида, шу жумладан, араб дунёсининг 16 мамлакатида тақиқланган.

Таъкидлаш керакки, ушбу ташкилотнинг бош қароргоҳида ўтирадиган вакиллар ўзларининг Андижон воқеаларига дахлсиз эканлиги тўғрисида берган баёноти шамол тезлигида тарқалди. Шу билан бирга, «Ҳизб-ут-Таҳрир»нинг «куч ишлатмаслик» услуби ҳамда ташкилотнинг минтақадаги мавжуд дунёвий тизимларни йўқ қилиш ва халифаликни қайта барпо этиш каби асосий мақсадига содиқ қолиши ҳақидаги баёноти ҳам эълон қилинди.

Ўз сафларига тарғибот асосида асосан ёшларни чорлаб, ўз фаолиятини чинакамига хуфёна асосда олиб борадиган «Ҳизб-ут-Таҳрир» «Акромийлар» сингари маҳаллий гуруҳлар ва экстремистик руҳдаги оқимларнинг кўмагига таянмоқда. Бундай оқимлар таянадиган мафкуралар ўртасида муайян тафовутлар мавжудлиги таъкидланса-да, уларни жуда яқин «қариндошлик» алоқалари бирлаштириб туради. Дунёвий яшаш тарзи ва дунёвий ривожланиш қонунларини мутлақо қабул қилмаслик, тараққиётни қуролмаслик ва унга чидай олмаслик барча кўринишдаги радикал ва экстремист кучларни бирлаштириб турувчи омиллардир.

«Акромия» диний гуруҳига 1996 йилда «Ҳизб-ут-Таҳрир»нинг собиқ аъзоси Акром Йўлдошев томонидан асос солинган. У халифаликни барпо этиш илинжида маҳаллий ҳокимиятни куч ишлатиш йўли билан қўлга киритиш заруриятига асосланган, яъни ўзи ишлаб чиққан назарияларидан бирини Андижонда амалий жиҳатдан қўлламоқчи бўлди. Юқорида тилга олинган матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, Андижон воқеаларига тайёргарлик кўриш учун камида уч-олти ой вақт кетган, улар пухта режалаштирилган жиноятқорона ҳаракатларнинг «меваси»дир.

А. Йўлдошев тузган давлат ҳокимиятини қўлга киритиш дастурига бир назар ташлайлик. Мазкур дастур ташкилот фаолиятининг беш босқичини ўзида мужассам этади.

Кўп қиррали ушбу режанинг биринчи босқичини амалга оширишда муайян вақт ўтганидан сўнг ўз сафларига қўшиб олиш мақсадида диний қарашларга эга бўлган кишилар ўрганиб чиқилади. «Акромийлар» ишонувчан, нотиқлик ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган одамларга алоҳида қизиқиш билан қарайдилар.

Йўлдошев томонидан «Моддий» деб номланган режанинг иккинчи босқичида ташкилот янги аъзоларининг турмуш тарзини яхшилаш ҳамда мўмай даромад келтирадиган ишларга жойлаштирилишини назарда тутади. Шу билан бирга, сафарбар этилган янги аъзоларга «Акромийлар» умумий «ғазнасига» ўз даромадларининг бешдан бир қисмини ажратиш мажбурияти юкланади.

Бўлажак жангариларни «йўргаклаш» амалларининг кейинги босқичларида ташкилот ушбу гуруҳларнинг янги аъзоларини ғоявий қайта тарбиялаш, экстремистик ва терроризм руҳидаги адабиётлар мутолааси билан банд қилиш ҳамда давлат ва жамоат муассасаларини ич-ичидан емириш учун уларни ана шундай ташкилотларга жойлаштириш билан боғлиқ ишлар амалга оширилади.

«Акромия» ташкилоти фаолиятининг сўнгги босқичи номланишининг ўзиёқ, яъни унинг «Тўнтариш» деб аталиши ҳамма нарсага ойдинлик киритади. Вақтдан ютқазишаётганини англаб етган жиноятчилар давлатга ва ўз халқига «куч ишлатмаслик» услубининг сўнгги босқичини амалга оширишни тезлаштиришди.

Натижаси эса кундек равшан: ўнлаб ҳарбийлар ва милиция ходимлари, тинч аҳоли, аёл ва болалар нобуд бўлди. Қўлда қурол тутган бундай «биродарлик ва жипслашув тарғиботчилари»нинг хатти-ҳаракатлари мамлакатимиздаги миллионлаб фуқароларнинг ғазаб ва нафратларига дучор бўлди. Бу эса қора ниятли кимсаларнинг жиноятқорона ва қонли режалари ўзбек заминида ҳеч қачон амалга ошмаслигини англатади.

**Иқболжон СОЛИЕВ,**
**«Жаҳон» АА шарҳловчиси**

*Мулоҳаза, мунозара*

# КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

## ҲАСАНБОЙ ЛАЙЛАКЛАРИ

Декабрь ойининг бошлари эди. Ҳали қиш қишлигини қилмаган, ҳавонинг авзойидан қишдан кўра кўпроқ кеч кузнинг ҳиди анқирди.

Пешинга яқин бир ўзим шаҳардан Комилжон Ғофуров кўчаси орқали Ҳасанбойга қараб келяпман. Ҳалқа йўлига тушмасимдан уч киши қўл кўтариб тўхтатишди. Улар чамаси қандайдир маросимдан келишарди, йўналишимиз бир экан, ҳамроҳ бўлишди. Ёнимга ёши етмишлардан ошган, кўринишидан юрт кезган, зиёли амаки ўтирди. Орқа ўриндиқда ўрта ёш ва ўспирин йигитча жойлашишди.

Амаки нимагадир асабийлашган ҳолда эди. Мен улар билан саломлашгандай бўлдиму машинани юргиздим. Ҳалқа йўл бўйлаб кетарканмиз, узоқдан далада учиб юрган бир жуфт лайлак кўринди.

Йигитча:

— Бува кўрдингизми, ана лайлаклар, — деб қушлар томон ишора қилди.

— Ия, қиш куни Ҳасанбойда лайлак, во ажаб, — дея қариянинг чеҳраси бир оз ёришди ва мендан машинани тўхтатишимни сўради.

Йўл чеккасида лайлакларни кузата бошлади. Улар қордек оппоқ қанотларини кенг ёйиб, гоҳ учиб, гоҳ қўниб бир-бирларига жўр бўлиб, оҳиста-оҳиста рақсга тушишарди. Қария ёқасини ушлаганча Оллоҳга ҳамду санолар айтарди.

Мен ҳамроҳларимни кузата бошладим, қария ўрта ёшлик ҳамроҳига, «ўзи аслида мен ўша ерга боришим керак эмас эди, ҳа майли бўлар иш бўлди», деди.

У кузатишда давом этаркан ҳамроҳларидан сўради:

— Қачондан бери бу ерларда лайлак пайдо бўлиб қолди, яна қиш фаслида?

— Зоология ўқитувчимизнинг кузатишларича етти-саккиз йилдан бери олтита лайлак бизнинг қишлоғимизда қишлар экан, — деб қолди ўспирин.

— Лайлак жой танлайди, бу парранда қаерни ошиён тутса ўша ерда тинчлик, осойишталик барқарор топади, қут-барака сочилади, тўкинлик бўлади. Яна бошқа томони, лайлак пайдо бўлибдими, демак ариқ сувларида балиқ пайдо бўлган, бу эса ўз ўрнида табиат — экология тозаришга ўтганлигидан дарак беради, — деб қария қўлини фотиҳага очди ва узоқ дуо қилди.

Қариянинг имоси билан яна йўлга тушдик. У шерикларига қарата, «банда ўтган дамига шукр қилиши керак», деб томоғини қириб олиб гапида давом этди. «Жиян биласанки, мен бу ерларда кўп вақт бўлмадим. Ўша пайтдаги яшаш тарзимизни ҳозиргиси билан умуман таққослаб бўлмайди. Ҳасанбой дегани хувиллаб ётган бий дала бўларди, Келес-чи, эллик-олтмиштача лой том билан ёпилган сомон сувоқли уй, беш-олтита қинғир-қийшиқ, ҳатто тош ётқизилмаган тор кўчалардан иборат эди. Ёзда тўпиқча тупроқ, қишда эса лойгарчиликдан аримас эди. Эндичи, мана шаҳардан чиқиб келаяпмиз, қаер шаҳару қаер қишлоқ ким ажратиб бера олади. Бу иморатларнинг ҳашаматини, кўчаларнинг кенглигию текислигини қара, одамларнинг кийинишини айтмайсанми?

Энди у орқасига ўгирилиб олди ва ўз сўзида давом этди:

— Ҳалиги қариндошингнинг маросимда ҳаммани оғзига қаратиб сайрашини қара. Эй нонкўр, илгари қанақа яшар эдинг ўзи. Йигирма йил муқаддам битта эски «Москвич»инг бўларди. Бугунчи, ўғлинг маросимга «Мерседес»да олиб келди, қайтишда зинғитдай неваранг яп-янги «Матиз»да олиб кетди. Бугунги кунда бир оз қийналиб яшаётганлар йўқ эмас, бор. Сен ниманга нолийсан. Кечаку ўзинг менга мақтадинг, олтита «Тико»ни ижарага бериб қўйдим, учта дўконим бор, қизу келинларим Туркия ва Эронга қатнаб бойиб қолдик, битта неварам Америкада, иккинчиси Кореяда деб. Энди бугун нима эмиш, турмушда муаммолар кўп эмиш, баломиш, баттармиш, эй, бундан баттар бўл.

Қария бироз сукут сақлаб туриб сўзида давом этди.

— Баъзи калтафаҳмлар шўролар даврини яхши эди деб мақтамоқчи бўлишади. Қани энди бир солиштириб кўрайликчи, ўша замоннинг нимаси яхши эди.

Динимиз оёқ ости бўлди, тилимиз, урф-одатларимиз йўқ бўлиб кетиш даражасига келди, одамларимиз иккинчи нав — сифати паст ҳисобланди. Халқ неча марта очарчиликка дучор бўлди, бир пайтлар озиқ-овқатлар талон бўйича олинарди. Йигирманчи, ўттизинчи, эллигинчи йилларда миллионлаб бегуноҳ аҳоли қатағон қилинди. Бутун-бутун халқлар тарихий яшаб ўтган жойларидан ўзга совуқ юртларга мажбуран кўчирилди.

Қария чарчади шекилли бирдан жимиб қолди ва неварасига:

— Болам, агар ҳаётингни мазмунли ўтказаман ва халқим учун наф келтираман десанг, бу Оллоҳ берган истиқлолни қадрла ва унинг барқарор бўлиши учун қўлингдан келганча ўз ҳиссангни қўш, — деб сўзини мухтасар қилди.

**Омонуллоҳ МУТАЛ**

## ЧАЛА ҚОЛГАН ИШ

Ҳурматли таҳририят, бир нарса мени кўпдан бери ўйлантириб келади. Ҳар йили эрта баҳордан бошлаб юртимизда, хусусан, Тошкентимизда ободонлаштириш ишлари бошланади. Кўчалар тартибга келтирилади, нав-ниҳоллар экилади, ер чеккасидаги ариқ-зовурлар тозаланади. Хуллас, ҳамма жойда баҳорий кайфият ҳукм суради. Албатта бу ҳаракатдан шаҳримизнинг даҳа ва мавзеларида яшовчилар ҳам четда қолишмайди. Кўп қаватли уйлар орасида қиш бўйи тўпланиб қолган ахлат уюмларини йўқотиш масаласида ҳашарлар уюштиришади, қиш асоратидан ўйдим-чуқур бўлиб кетган йўлкаларни тартибга келтиришади. Унинг четидан ўтган ариқчаларни чиқиндилардан тозалашади.

Айнан биз айтмоқчи бўлган гап ана шу чиқиндилар хусусида. Сабаби улар ўша ҳашар вақтида ариқ чеккасига қандай чиқариб ташланган бўлса, кўпинча узоқ вақт шундайлигича қолиб кетади. Баъзан бу ҳолатни катта кўчаларда ҳам кузатиш мумкин. Ўз вақтида олиб кетилмаган бу чиқиндилар сурункали ёмғирларда ювилиб, сурилиб, яна ўз еридан, яъни ариқ ичидан жой олади.

Беихтиёр ўйланиб қоласан киши, Яхши ният билан ариқ тозалангани нима-ю унинг атрофи бу чиқиндилар билан узоқ вақт ифлосланиб ётгани нима? Аниқроғи бунинг номини чала қолган иш, деб атасак балки тўғрироқ бўлар. Бизнингча, ўша жойда яшаб, ўзи тозалаган ариқнинг атрофини бундан буён озода сақлаш, ариқ чеккасига чиқариб ташланган хас-хушларни ўз вақтида йўқотиш учун энг аввало маҳаллий аҳолининг ўзи жонкуярлик қилиши керак. Ахир эскилар «Жондан кечмасанг жонона қайда, тоққа чиқмасанг дўлона қайда?» деб бекорга айтмаганлар.

Гарчи сўз ободончилик хусусида бораётган экан, шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтиш жоиз деб ўйладик. Кўпинча кўчаларда усти турли чиқиндилар билан тўла махсус машиналар елиб бораётганини кўрамиз. Уларнинг ҳайдовчилари бемалол машина тезлигини ошириб боришаверади. Машинанинг устки қисмидаги ахлатлар эса йўл-йўлакай шамолда тўзиб, кўчаларга тўкилиб боради. Бундай ҳолни ҳар биримиз бир неча бор кузатганмиз, гувоҳи бўлганмиз. Энди айтинг шаҳримиз озодалиги учун хизмат қиладиган бу машиналарнинг ўзи кўчани ифлослантириб боришини кўрган кўзга эриш туюлмайдими?

Юқорида билдирилган фикрлар баъзилар наздида майда гап бўлсада, ҳар қалай бу ҳақда тегишли одамлар, мутасаддилар бир ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

**Ғайрат АЛИЕВ**




КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.

# РУСТАМ ҲАМРОҚУЛОВ ҲАНГОМАЛАРИДАН

Илонизи бўлиб учиб келаётган «Жигули»ни автоназоратчи тўхтатди. Ҳайдовчи басавлат одам экан. Тўйдан келаётганини айтиб, автоназоратчини писанд қилмай ўтираверибди.

— Қани ҳужжатларингизни олинг, — талаб қилибди назоратчи.

— Қанақа ҳужжат керак, мана, — дебди ҳайдовчи.

— Тўйда кўп отганга ўхшайсиз, машинани четга олинг.

— Сал-пал ичдик, мастмасман.

— Унда янги чиққан япон аппарати бор, дарров қанча ичганингизни аниқлаб беради, — назоратчи сумкасидан аппаратни олиб унга тутибди. — Қани пуф денгчи.

— Пуф десак деяверамизда — деб ҳайдовчи аппаратга пуфлабди. Шунда аппаратдан садо чиқибди.

— Жиринг. Соливой ака қудаларининг тўйига бориб, кетма-кет тўрт пиёлани сипқорганлар, устидан газакка шампан ичганлар.

— Ё тавба, аппаратингиз зўр, йўғе бузуқ экан. Раҳима, сен ҳам пуфлачи, тўғринотўғрилигини биламиз, қўямиз, —-дебди Соливой ака. Орқада уч яшар боласини олиб ўтирган янга ҳам аппаратга пуфлабди. Аппаратдан шундай садо чиқибди.

— Жиринг. Раҳима янгамиз ҳам аввал шампан, кетидан озроқ коньяк ичганлар, газагига минерал сув ичганлар.

— Ёпирай. Бу аппаратингиз бузилган, аёл киши ҳеч замонда коньяк ичармиди. Энди Анварчик ҳам пуфласин. Шунда аппаратнинг бузуқми, тузуклиги аниқ бўлади, — дебди Соливой.

Автоназоратчи уч яшар Анварга аппаратни тўғрилабди:

— Қани ўғлим бир пуфлаб юборчи, — дебди Соливой. Анвар пуфлабди, аппарат гапга кирибди.

— Анваржон ҳам 50 грамм ароқ, кетидан шампан ичганлар, газагига шоколад еганлар.

— Айтдимку бу бузуқ, —деб туриб олибди Соливой. Автоназоратчи ҳам аппаратим ҳақиқатдан ҳам бузуқ экан, бўлмаса уч яшар болани ароқхўр қилиб кўрсатармиди, деган хаёлда Соливойга юзланди:

— Ака, мана ҳужжатларингиз, аппаратимиз бузилганга ўхшайди, биронта телевизор тузатувчи устага кўрсатиб кўрайчи буни. Энди сиз чеккадан тезликни оширмай, эҳтиёт бўлиб ҳайданг, — деб автоназоратчи қўлидаги аппаратини беш-олти марта силкиб, ҳайрон бўлганича қолаверибди. Йўлда машинасини учириб кетаётган Соливой эса хотинига мақтанармиш:

— Аяси, болага ичирманг, ичирманг дердинг, мана ичирса фойдаси тегаркан-ку.

# МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Ёмғирли кунларнинг бирида Жонатан Свифт хизматкори билан отлиқ сафарга чиқди. Кечқурун улар меҳмонхонага тушдилар. Ухлаш олдидан Свифт ботинкаларини тозалаб қўйишни хизматкорга тайинлади.

Дангаса хизматкор хўжайиннинг айтганини бажармади.

Эрталаб кир ботинкаларини кўрган Свифт хизматкоридан сўради.

— Нега ботинкаларни тозалаб қўймадинг?

— Йўллар лой, — деди хизматкор, — ҳозир ботинкаларингизни тозалашдан нима фойда? Улар барибир яна ифлос бўлади.

Свифт ҳеч нарса демади. Бироздан сўнг хизматкорига буюрди:

— Дарров тайёр бўл. Йўлга тушамиз.

— Ҳали нонушта қилмадим-ку? — деди хизматкори аччиқланиб.

— Ҳозир овқатланишдан нима фойда? — деди Свифт. — Барибир яна очқайсан.

* * *

— Ижодий ишингизга оила аъзоларингизнинг ёрдами тегадими? — деб сўрашди журналистлар машҳур ихтирочи Эдисондан.

— Албатта, — деди Эдисон. — Масалан, айтайлик, миямга ажойиб бир фикр келиб қолди. Шунда мен ўзимча қилдан қийиқ ахтара бошлайман. Жаҳлим чиқиб, эшикни тарақлатиб ёпаманда, хонамда ўтирволиб, ишлайвераман. Уйдагилар жаҳлимни чиқармаслик учун қўрқиб-қалтираб, оёқ учида юришади. Ана шу фурсатдан унумли фойдаланиб, ўз кашфиётларимни қиламан.

* * *

Адабиёт ва санъат намояндаларининг ҳомийси ҳисобланган бир давлатманд кишиникида бўлаётган кечада Флобердан сўраб қолишди:

— Ҳар бир жумла устида қанча вақтгача бош қотириб ишлаш лозим?

— Хотинингиз то овқатга чақирмагунча, — деб жавоб берди ёзувчи.

* * *

Бир куни Пабло Пикассо бир кишининг портретини чизиб бўлгач, унга деди:

— Мана, расмингиз ҳам тайёр. Энди ўзингиз унга ўхшашга ҳаракат қилинг.

* * *

Эмил Золянинг мухлисларидан бири отчопарга пойгага кетаётиб:

— Гаровда ютиш учун қандай отга пул тикса бўлади? — деб сўради машҳур ёзувчидан.

— Қайси от биринчи бўлиб келса, ўшанга тикиш керак, — деб маслаҳат берди ёзувчи.



— Йўқ, деворинг!

Абдурасул Ҳакимов чизган расм

*Хандалар*

# ГЎШТ БОЗОРИДАГИ ҚИЗИҚ ГАПЛАР

Қассобнинг олдига борган мижози сўради:

— Аввалги ҳафтадаги каллангизни маза қилиб едик, ўшандай каллангиздан яна битта берсангиз.

— Бироз кутишингизга тўғри келади, ичкаридан танлаб олиб чиқаман! — деди қассоб.

* * *

— Жигарингиз соғми? — дебди бир харидор.

— Мана пичоқ, ўзингиз кесиб кўринг, — жавоб қайтарди қассоб.

* * *

— Думғазангиздан иккита берсангиз.

— Ўзи битта қолган эди-я, — дебди қассоб.

— Майли биттасини эртага оларман! — деб йўлига равона бўлди харидор.

* * *

— Тилингизнинг ярмини кесиб берсангиз!

— Майли, қолган ярмини оладиган харидор топсангиз кесиб бераман, — дебди қассоб.

* * *

— Сизда мия борми? — сўрабди харидор.

— Пул бўлса топамиз. — деб жавоб берди қассоб.

— Орқа оёғингиздан халадес қилган яхшими ёки олди оёғингизданми?

— Устаси учун асло фарқи йўқ!

* * *

Семиз қассобдан бир харидор сўради:

— Мол ҳам ўзингизга ўхшаган бўлса, беш килограмм тортинг!

— Марҳамат! — деди қассоб тортилган гўштни узатиб.

# ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА

ҲАЖВИЯ

Йигит кишига омад кулиб боқиши ҳеч гап эмас экан. Ёғоч-тахта омборхонасига бошлиқ бўлдиму, обрўйим ўз-ўзидан ошиб кетди. Тинч ва осойишта ҳовлимиз бир зумда гўё боларининг уясига айланди-қолди. Ёшим қирққа кириб катта аммамнинг қизининг ўғлию, ойимнинг тоғасини хотинининг укаси борлигини энди билибман-а.

Ҳамма мендан айланиб ўргилади. Баъзилар борди-келдимиз камайиб кетганлигидан гинахонлик қилишади. Хуллас бундан кейин қариндошлик ришталарини узмаслик кераклигини қайта-қайта уқдиришади.

Ён атрофимизда яшовчилар эса икки гапнинг бирида узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнининг афзаллигини писанда қилишади. Улфатларимни айтмайсизми, чойхонадами, уйдами, қаерда тўпланмайлик давра тўри меники. Ҳатто овқатхонага кирсак мени ўтқазишга жой топишолмай қолишади. Бир пиёла май устида ҳам шаънимга узоқдан узоқ мақтов сўзлар айтилади. Бу ҳам етмагандек «юракка яқин» дўстларим гоҳ лабимдан, гоҳ юзимдан чўлпиллатиб ўпишади.

Тавба, ёр-биродарларим ўртасида шунчалик бообрў эканлигимни илгарилари пайқамаган бўлсама. Кўпчилик бу таажжубимни камтарликка йўяди. Уларнинг айтишича, «камтарга камол» деган сўзнинг андозаси ҳам аслида мендан олинган эмиш.

Хуллас, бошлиқ этиб тайинланганлигимнинг учинчи куни эшикдан аммам кириб келди. Дадам билан ойим у ёқда қолиб, тўсатдан мени қучоқлаб кетди.

— Вой бўйгинангга амманг қоқиндиқ Тешавой. Отагинам раҳматлик тўғри башорат қилган эканлар ўшанда. Сени орқаларига ортмоқлаб олиб, кўча-кўйда ҳаммага мана шу неварамнинг пешонаси ярқираган деганлари рост экан.

Тўсатдан отаси эсига тушиб уввос солган аммамни дадам зўр-базўр тинчитди.

— Ҳой, болажоним, ану тахта сақланадиган омборга каттакон бўлибсан деб эшитдим, тўғрими?

Бошим билан тасдиқ ишорасини қиламан.

— Илоё тупроқ олсанг олтин бўлсин, — дейди аммам баттар жазавага тушиб. — Куёвим ўлгур каталакдек уйни бир неча йилдан бери битказа олмайди. Энди тахта- пахтадан ўзинг ёрдамлашиб юборасанда?

Ахир бир оғиз арзимаган сўз учун шу кунгача биз билан аччиқ-араз бўлиб юрган аммамнинг айтганини қилмай бўладими? Жигарчилик устун келиб, энди биз билан тил топишиб турганда, унинг илтимосини рад этиш ёниб турган керосинга сув сепиш билан баравар эмасми?

Аммам эшикдан чиқмай туриб, ойимнинг тоғаси ҳаллослаганича кириб келди.

— Оббо, жияней, эшитиб жуда хурсанд бўлдимда. Очиғини айтсам жиян тоғасига тортади, деган сўзга шу чоққача ишонмай юрардим, энди чиппа-чин ишондим, — деди у мен билан қўшқўллаб кўриша туриб. Кейин менга ҳалол ишлаш, илло, қинғир ишга қўл урмасликни насиҳат қилди. Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчию, тоға-жияннинг бир-бирига муносабати ҳам суҳбат мавзуидан четланиб қолмади. Хуллас, тоғам хотинининг укасига уч куба тахта керак бўлиб қолганлигини айтди. Ахир, ойимнинг тоғаси озиб-ёзиб остонамизга бош уриб келса-ю, мен қўлимдан келадиган ишни бажармасам инсофданми?

Ён қўшнимиз Эгамберди туршакни қаранг. У киши (лақаби шунақа) менинг акахоним бўлар эканлар-у, мен ландовур буни сезмай юрарканман-а. Қиёматли акам ҳам хушхабарни эшитиб чиқибдилар. Акахонимиз хайрлаша туриб, кўп эмас, атиги 20 дона 50 сантиметрлик тахта илтимос қилдилар. Кап-катта одам олдингда тавозе қилиб турса ғалати ҳолга тушиб қоларкансан. Оғайниларни айтмай қўя қолай, бири келиб, бири кетиб туришибди. Юз амри иссиқлик қилиб уларнинг «арзимаган» илтимослари мен учун амри вожиб бўлиб турибди.

Хуллас, амал курсисига ўтирганимга икки ой тўлар-тўлмас озиб чўп устихон бўлиб кетдим. Кундузлари у-бу билан овора бўлиб кетаману, аммо кечалари тиканакка ағанаб чиқаман. Тушимда нуқул омборхонани назоратчилар босган кўринади. Дил тортиб бу ҳақда яқинларимга ёрилсам, улар ҳиринглаб, «одатда тушнинг акси бўлади» дейишади. Ўйлаб турсам ишнинг охири вой. Дадам ҳам бир нарсани сезгандек ақлинг борида этагингни ёпга тушиб қолдилар. Ниҳоят аризамга биноан ишдан бўшадим-у уйимиз сув қуйгандек тинчиди-қолди.

Тавба, мени бир кун кўрмаса «ўлиб қоладиган» аммам, ойимнинг тоғаси, ён қўшнимиз Эгамберди ака ва «қаторда норинг бўлса...» деб мени ерукўкка ишонмайдиган ўртоқларим қани? Сўнгги кунларда кўча-кўйда қулоққа чалинаётган «Тешавой қамалиб қолибди» деган сўзларни ишқилиб улар тарқатишмаётганмикан?

**Мақсуд ОРИПОВ**

# КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Машинада эр-хотин, қайнона ва қайинота кетиб боришарди. Уларни ДАН нозири тўхтатиб деди:

— Ҳурматли ҳайдовчи, сиз йўлнинг мана шу қисмини хатосиз босиб ўтган биринчи ҳайдовчисиз. Сизга 200 минг сўм мукофот.

Ҳайдовчи:

— Вой-бў, зўр бўлдику, энди мен бу пулга ҳайдовчилик гувоҳномасини сотиб оламан.

Нозир:

— Ие, ҳали сизнинг гувоҳномангиз йўқми?

Аёли гапга аралашди.

— Эй ука, унга қулоқ солманг. Мастликда одам нималар демайди.

Нозир:

— Ие, ҳали сиз маст ҳаммисиз?

Шунда қайнона машинадан сакраб тушиб бақирди:

— Мен сизларга айтгандимку, ўғрилик машинада узоққа бориб бўлмайди деб.

Бақир-чақирдан орқа ўриндиқда ухлаб келаётган қайинота чўчиб уйғониб кетди. У кўзларини уқалаб қаттиқ овозда сўради.

— Нима, чегарага келиб қолдикми?-

* * *

Эр-хотин машинани автоустахонага судраб боришарди. Эри деди:

— Менга шу машинани сотган одам ҳақ экан.

— Нимада ҳақ экан?

— Бунга умуман бензиннинг кераги йўқ, — деганди.

* * *

Семиз аёл соҳилда танишини кутиб, айланиб юрибди. Бола бир қадам ҳам қолмай унга эргашиб юрибди.

— Ҳой бола, нима дейсан, — дебди унга хотин. — Мендан бирор нарса сўрамоқчимисан?

— Йўқ, холажон, мен сояда юришни яхши кўраман.

* * *

Кечаси кимдир санаторийда палаталардан бирини қаттиқ тақиллатибди. Безовта бўлган дам олувчи қаҳр билан сўрайди.

— Ким у?

— Санаторий. ёнаяпти.

— Нега безовта қиласиз, мен ўт ўчирувчи эмасманку.

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

*Оламда нима гап?*

### Жаҳон ва оммавий ахборот воситалари хабарларидан

◆ Германия канцлери Герхард Шрёдер шу йилнинг кузида муддатидан олдин сайлов ўтказилишини маълум қилди.

◆ Мўғулистон давлат оммавий ахборот воситаларининг маълумот беришича, бу мамлакатда ўтказилган президентлик сайловида собиқ бош вазир Намбарийн Энхбайяр ғалаба қозонди. Мўғулистон марказий сайлов комиссияси Энхбайяр уч нафар рақибини ортда қолдириб, сайловчиларнинг 53 фоиз овозини олганлигини маълум қилди.

◆ Украина Президенти Виктор Юшченконинг маълум қилишича, таниқли журналист Георгий Гонгадзега ўлимидан кейин Украина Қаҳрамони унвони берилди. «Украина ҳақиқати» интернет нашрининг раҳбари Георгий Гонгадзе 2000 йилнинг 16 сентябрида Киевда ғойиб бўлган. Ўша йилнинг ноябрида унинг бошидан жудо қилинган танаси Киев областининг Таращенск районида топилган эди.

◆ Германиянинг Мозель шаҳрида антиқа тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилди. У қуйидагича кўриниш олди: бир сутка мобайнида шаҳардаги барча кўчаларда автотранспорт ҳаракати тўхтатилиб, йўллар минглаб велосипед минувчиларга, роликли коньки эгаларига ва самокат учувчи болаларга бўшатиб берилди. Тадбир давомида маҳаллий аҳолидан ташқари қўшни ҳудудлардан ташриф буюрувчи инсонлар махсус поездларда, кемаларда олиб келинди. Ана шу тариқа бир сутка давомида шаҳар аҳолиси автотранспортдан чиқувчи заҳарли газлардан халос бўлди.

◆ Ирландияда юз берган йирик автоҳалокат натижасида беш нафар мактаб ўқувчиси ҳалок бўлди, яна 50 нафар бола турли даражада шикастланди. Воқеа мамлакат пойтахти — Дублин шаҳрида рўй берди. Ўқувчиларни олиб кетаётган автобус бир йўла иккита автомобиль билан тўқнашиб кетган ва ағдарилиб тушган.

◆ АҚШнинг Техас штатида террорчиларга бомба сотмоқчи бўлиб юрган Рональд Аллен Грекула исмли шахс қўлга олинди. CBS телеканали тарқатган хабарда айтилишича, 68 ёшли Грекула ўзларини «Ал-Қоида» гуруҳи вакиллари деб таништирган хавфсизлик ходимларига кучли портловчи мослама таклиф қилган. Грекула пул эвазига «Ал-Қоида» ёки бошқа бирор террорчилик ташкилотига бомба яратиб беришга тайёр эканлигини тан олган.

◆ Ироқ Шимолида иккита кучли портлаш содир этилди. Маҳаллий ҳукумат вакилларининг маълум қилишича, Мосул шаҳридан 80 километр Ғарбда жойлашган Тал-Афар шаҳрида тротил моддаси билан тўлдирилган иккита автомобиль портлатиб юборилган. Дастлабки маълумотларга қараганда 20 киши ҳалок бўлган, яна шунча одам яраланган.





*1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни*

# БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ БАҒИШЛАДИ

**Болалар ҳаётимиз мазмуни, шодлигию қувончидирлар. Уларсиз келажагимизни тасаввур қилиш қийин. Бугунги кунда озод ва обод Ватанимизда фарзандларимизнинг эркин, яйраб-қувнаб соғлом вояга етишлари, ҳар томонлама билим ва ҳунар эгаллашлари учун барча шароитлар етарли.**

Бола кулса, олам кулади. Дарҳақиқат, биз ҳамиша фарзандларимиз тинч ва осойишта ҳолда она юртимиз бағрида яйраб камолга етишларини ният қиламиз. Куни кеча Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик Катта театрида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик Катта театри ҳамда Театр арбоблари жамоатчилик жамғармаси ташаббуси билан шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда Театр арбоблари жамоатчилик жамғармаси раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, академик Мамажон Раҳмонов ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Омонулла Ризаевлар сўзга чиқиб болаларни шодиёна байрамлари билан қутладилар, шунингдек шу куни яна бир байрам — Театр арбоблари жамғармасининг ташкил топганлигига 10 йил тўлганлиги, бу икки байрамнинг бирга нишонланишида ҳам рамзий бир маъно борлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Зеро, болаларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, ҳар томонлама баркамол шахс сифатида шакллантиришда санъатнинг, театрнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади албатта.Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган ўн йил давомида жамғарма томонидан болалар учун кўплаб хайрия тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Бу меҳрга ташна қалбларга бироз бўлсада яхши кайфият,маънавий озиқ бериши шубҳасиз.

Байрам тадбирида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури, шунингдек Республика қўғирчоқ театри ва Ўзбекистон ёшлар театри ижодкорлари ижросидаги саҳна кўринишлари болажонлар қалбига бир олам қувонч бағишлади.

Шодиёна ўтган тадбирда бош ҳомий "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамияти томонидан Меҳрибонлик уйларига компьютерлар совға қилинди.

— Бугунги байрам тадбирига болалар катта тайёргарлик кўриб, шу кунни интиқлик билан кутишди. Болаларнинг санъатга бўлган иштиёқ ва ҳаваслари ниҳоятда кучли,— дейди 23-Меҳрибонлик уйи директори Светлана Рўзимуҳамедова.— Болалар чеҳрасидаги қувонч ва бахтиёрликни кўриб биз ҳам хурсанд бўламиз албатта. Ҳукуматимиз томонидан меҳрга ташна болаларга кўрсатилаётган меҳр-мурувват ва ғамхўрликдан уларнинг кўнгиллари тоғдек кўтарилмоқда. Истардикки, болаларнинг беғубор қалби ҳеч қачон ўксимасин, уларнинг қувноқ кулгулари ҳамиша оламни тутсин.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик Катта театрида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган байрам тадбиридан лавҳалар.**

**Михаил Якубов олган суратлар.**

*Ҳаёт ибратлари*

# БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ҚАНОТИДА

**Ҳамма ҳам китоб ёзишга журъат этавермайди. Китоб тасниф беришга ҳаваски иштиёқнинг ўзи ҳам камлик қилади. Инсон олдига маълум бир мақсадни қўйиб шунга астойдил интилса, дилидаги гаплари қоғозга солишга арзиса, ундан қолажак рисола маънавий салмоғи билан тош боса олсагина битилган китоб умрибоқий бўлади, авлодлар ардоғида келгуси наслларга етиб боради.**

Китоб тасниф этишнинг жўн иш эмаслигини юқорида эслатдик. Бунга ортиқча изоҳ-тушунча беришга, фикримизни далиллаш учун фалсафа сўқишга ҳожат йўқ. Аммо китобни яратишдан кўзланган маъно-мақсад келажак авлодларга маънавий сарчашма, руҳий қувват ва маърифий озуқа қолдириш бўлса юқорида эслатганимиз масъулиятнинг салмоғи чандон ортади. Айниқса одоб ва нафосат, дин ва диёнат, қалб ва иймон саломатлиги хусусида қалам тебратишга чоғланган инсон аввало санаб ўтилган хислат-фазилатлар соҳиби бўлмоғи шарт. Бошқача айтганда, тили ва дили бир бўлган, амали насиҳатига мос инсонгина ана шу йўналишдаги китоб битишга ҳақли.

Мансур Алиев. Бу исм кўпчилик юртдошларимизга таниш, айримларининг юрагида ўзининг инсонийлик меҳри билан из қолдирган инсон у. Оддий деҳқоннинг тарбиясини олган, аввало Яратганнинг инояти билан, қолаверса, устозлар йўл-йўриғи билан иш тутиб, раҳбарлик лавозимларида ишлаган, меҳнатсевар, камтарин ва бағридарё инсон — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими Мансуржон Алиев ўзининг иккинчи китобини босмадан чиқарди. "Мовароуннаҳр" нашриёти томонидан нашр этилган "Умрим мазмуни" номли мазкур китоб уч йирик бобдан иборат. Улар — "Саломатлик қадри", "Ҳаж таассуротлари" ва "Набираларимга насиҳатлар"дир. Ҳар уччала боб ҳам мустақил маъно касб этиб, бевосита муаллифнинг илк китоби — "Ҳаёт сабоқлари"нинг мантиқий давомидир.

"Саломатлик қадри" деб номланган бобда муаллифнинг суюкли рафиқаси Зуҳра опанинг оғир дарддан халос бўлиш жараёни мисолида саломатлик аталмиш энг қимматбаҳо дуру гавҳарни вақтида асраб-авайлашга даъват ётади. Муаллиф беморнинг соғайиши жараёнида юзага келган бир қатор муомала-муносабатларни заргарлик билан қаламга олади. Ҳатто касалнинг ҳолидан хабар олиш одоби ҳам унинг назаридан четда қолмайди. У насли давомчилари ҳамда ушбу китобдан баҳраманд бўладиган барча китобхонларни соғлиқни сақлаш биринчи даражали юмуш бўлиши лозимлигини англашга ундаб, жумладан шундай дея боқий ҳақақатлардан бир нечтасини қайд этади: "Табиат яратган мўъжизалардан баҳра олмоқ учун инсон соғлом, бақувват ҳамда зукко бўлмоғи даркор. Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши соғлиғимизга боғлиқ. Соғлиқ ҳаётнинг шундай неъматидирки, чиндан ҳам бетоб подшодан соғлом гадо минг карра бахтлидир".

Мазкур боб яна бир қанча жиҳатлари билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф ўзининг шахсий ибрати билан хотин-қизларни, айниқса аҳлу аёлни севишни, ҳурматлашни, аяшни ва яшнатишни яна бир карра ўқувчиларга уқтириб ўтади.

Ҳар мўмин-мусулмон Ҳаждек улуғ фарз амалини адо этмоқ бахтига мушарраф бўлсин. Аллоҳнинг амрини бажо келтириб, кўнгилни иймон нурига ғарқ этмоқ ҳар биримиз учун зарурий эҳтиёждир. "Умрим мазмуни"нинг "Ҳаж таассуротлари" деб номланган бобида жисмоний, моддий ва руҳий омиллар уйғунлигида бажарилган Ҳаж таассуротлари равон ифодаланиши билан бирга келгусида бу буюк фарзни бажармоққа бел боғлайдиганлар учун етарлича тушунтириш-йўналиш ҳам берилган.

Энг муҳими, муаллиф мавжуд диний китобларга таянган ҳолда ўқувчига ислом арконлари хусусида қисқа, лўнда ва зарур маълумотларни тақдим қилган.

Мазкур бобнинг тавоф дуолари, саъй дуолари ва Ҳаж даврида амалга оширилиши лозим бўлган қоидалар ва шартларнинг батафсил баёни билан бойитилгани, гўзал руҳий-маънавий муҳитни ҳис этган, уни бошидан кечириб, бевосита иштирокчисига айланган кишининг кечинмаларини ўқиш, уларга ҳавас билан қарашнинг ўзиёқ, ўқувчи қалбидаги эзгуликни алангалайди ва инсоннинг эътиқодини мустаҳкамлайди. Шу боисдан "Ҳаж таассуротлари" мароқ билан ўқилади. Бунинг уддасидан чиққан киши эса муаллиф билан ҳамқадам юриб, бамисоли Маккатиллони зиёрат этиб, Каъбани тавоф қилгандек ҳис этади ўзини.

Муборак ҳадислардан бирида айтилишича, ҳикматли сўз — мўмин кишининг мулки. Уни қаердан топса, ўзлаштириб олишга ҳақлидир. Киши умри давомида эшитган, ўқиган, кўрган-билган ҳикматларини жамласа, уларга амал қилса, бошқаларни ҳам шунга ундаса нақадар савобга қолишини тасаввур этиб кўраверинг. М.Алиев умр бўйи юқоридаги ҳадисга амал қилди. Кўзи тушган, эшитган-билган ҳикматларини дуру жавоҳирлардан устун билиб йиғиб-териб жамлаганда ҳам сараларининг сарасини, мағзи тўқ ва ҳаёт мактабида асқотадиган энг зарурларини тўплади. Оқибатда "Умрим мазмуни"нинг учинчи йирик боби — "Набираларимга насиҳатлар" яратилди. Ундан Шарқу Ғарб олиму фуқаролари, донишманд халқимизнинг ҳикматли жавоҳирлари, муқаддас динимизнинг фарзу насиҳатлари, муаллифнинг ҳаёт тажрибаларидан орттирган ҳақиқатлари, мулоҳаза-мушоҳадалари ўрин олди. Бир сўз билан айтганда ихчам, мазмунан пишиқ-пухта одобнома юзага келди.

Муаллиф тушуниш ҳамда тушунтиришга осон бўлиши учун ҳикматларни юзга ажратган. Ҳар бир мавзуни алоҳида санаган. Бироқ мазкур бобдан келтирилган дуру жавоҳирларнинг арифметик-математик сон-саноққа муҳтожлик жойи йўқ. Улар ададсиз, улар ҳаёт тарозусининг энг йирик паллаларида ҳам тош босган, вазни ниҳоятда оғир. Муаллифнинг мана бу фикрлари ҳам мулоҳазаларимизга мос келади: "Одоб ариқдаги сув эмаски, уни челаклаб олиб, ўз эҳтиёжингга ишлатсанг". У умр бўйи денгиз тубидан дур терган каби йиғиб олинади. Ёшликдан бошланган одоб ўрганиш дарси то қаригунингизгача қадар давом этади. Ҳар бир комил инсон уни ўз ҳаёти давомида қалбига сингдириб боради. Дарахт ниҳолини ёшлигидан яхши парвариш қилсангиз, у улғайгач, мўл ҳосил беради.

"Умрим мазмуни" бир нечта муҳим жиҳатларга эга. Инсоннинг тани ва қалби саломат бўлса ҳаётни теран англайди, эзгуликка интилади, муроду мақсадига етади. Китобнинг мана шу олижаноб фалсафа устида бунёд этилиши инсонни ҳаётнинг боқий қадриятларини янада чуқурроқ мушоҳада этишга ундайди.

**Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ,**
**Норали ОЧИЛОВ**

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Парҳезгарда уч фазилат бор: ёмонлар билан бирга ўтиришдан сақланади, ғийбат ва ёлғондан узоқ юради, ўзи шубҳаланган нарсаларни ҳаром ҳисоблаб шубҳаси тарқалмагунча уларга яқинлашмайди.

● Бағритошда уч аломат бор: заифларга раҳм қилмайди, озга қониқмайди, ҳар қанча насиҳат берсалар қабул қилмайди.

●Вафолик кимсада уч фазилат бор: ибодат, садақа ва (ўзгалар) гуноҳини яширади — шуларнинг ўзи унинг сидқидиллигидан нишонадир.

● Фосиқда уч аломат бор: бузуқликни севади, ўзгаларга зиён-захмат етказади, ҳақ йўлдан юрмайди.

Байт:

**Оғзига келганин демак**
**нодоннинг иши,**
**Олдиға келганни емак**
**ҳайвоннинг иши.**

● Ҳаё-иффат — йўқолмас ҳусн.

● Абу Али ибн Сино айтади:

— Инсонда доим турадиган ҳусн ва латофат — ҳаё ила иффатдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидур.

● Сукрот ҳаким дейди:

— Хотинларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганларидир.

● Ҳаё дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир. Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби — ҳаёдир.

● Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. Бу чодир шундай муборакдиркким, анча-мунча шундай хатоларни беркитиб йўқ қилур.

Байт:

**Дурга садаф бўлмаса**
**парда-ю либос,**
**Қатра сувга қўшилиб**
**кетарди халос.**

● Дўстнинг васли кўрар кўзларга роҳат беради, чунки ошиқ маъшуқага яқин бўлмаса роҳат топмайди ва шод бўлмайди.

● Агар дўстим кўп бўлсин десанг, ҳеч кимга душманлик қилма, ўзингга ортиқ оро берма, мақтанма ва ўзингни бировдан ортиқ санама!

● Дўстлар яхшироғи ҳар вақт ҳамдамларни ўз шафқати соясида турар ва карам эшигини улар юзига очиб қўяр, тилакларини ва ҳожатларини юзага чиқарар.

**Давлат божхона қўмитаси офис мебеллари ва махсус тайёрланадиган мебеллар тайёрлатиб харид қилиш учун**

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-76-60; Коммутатор: 120-76-00; ички: 26-11, 26-08.**

***Таклифлар эълон матни чиққан кундан бошлаб 30 кун муддат ичида қабул қилинади.***

*Хотира уйғанса гўзалдир*

# ЭРТА СЎНГАН ЮЛДУЗЛАР ЁДИ

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти «Эрта сўнган юлдузлар» китобини чоп этди. Китобга 24 санъаткор — шоир, адиб, хонанда, актёр, рассом, қизиқчи ҳақидаги мақолалар, суҳбатлар, хотиралар киритилган. Китоб қаҳрамонларини юртимизда танимайдиган одам йўқ, ҳисоби: аксарияти «Ойнаи жаҳон» орқали хонадонимизга «кириб» борган; саҳнадаги, кинодаги роли билан ёдимизда қолган. Охунжону Муҳриддин, икки Рустам, Собиту Лайло ҳақида гапирмаса ҳам бўлади: улар санъати руҳ-руҳимизга сингиб кетган.**

«Эрта сўнган юлдузлар»ни ўқиган ёшлар, табиийки, ўзига нотаниш сиймоларни яқинроқ билиб олади. Мен тенги одамлар «сўнган юлдузлар» билан учрашар экан, юрагидаги гаплар, эсдаликлар қайта жонланади. Мен Ҳожиакбар Шайховни босиқ, серсавлат, шошмасдан гапирадиган ўта доно одам сифатида билардим. Ҳожиакбардан бой адабий мерос қолди. Ўзбек фантастикаси ҳақида қачон, қаерда гап бўлмасин, Ҳожиакбар номи ва асарлари тилга олинишига ишонаман. Ҳожиакбар Шайхов «Туташ оламлар» трилогиясининг сўнгги қисмини ёзиб бўлганидан кейингина ҳаётдан кўз юмди. Ўзбек танқидчилиги, адабиётшунослиги ҳали бетакрор ёзувчи Ҳ.Шайховни кашф этгани йўқ.

Шавкат Раҳмон — дилбар, юксак маданиятли инсон эди. «Ўзбек шеърияти» антологияси тузиладиган бўлдию Шавкат Раҳмон авлодидагилар асарларини тўплаш, нашрга тайёрлаш менга топширилди. Шеърларини олишга келганимни айтганимда хижолат бўлди: «Домла, қўнғироқ қилсангиз ўзим элтиб берардим. Ноқулай бўлди-да».

Шавкатни сўнгги бор саратон хасталиклари шифохонасида кўрдим. Аҳволи оғир, нафас олиши ниҳоятда қийин бўлишига қарамай ёстиқдан бошини кўтарди, қўлларига тиралиб ўтирди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Беморнинг кўнглини бироз бўлса-да кўтарган бўлдим-у дарди дунёим қоп-қоронғу бўлиб чиқиб кетдим.

Муҳаммад Юсуф билан ҳам кўп бор кўришганман, суҳбатлашганман. У ҳам худди Шавкат Раҳмондай маданиятли, ўзбекона хурматиззатни ўрнига қўйиб гаплашарди.

Тилак Жўра, Равшан Файз, Чори Аваз, Аъзам Ўктам, Абдулла Турдиевларни университетда кўрганман, билганман.

Тилак Жўранинг қўл бериб кўришиши ҳеч кимникига ўхшамас эди: қўллари юмшоқ, ингичка эди. У ниҳоятда самимий эди: юрагида борини айтаверарди. У кўпинча Ғайбулла ас-Салом билан юрарди. Домла деканатгами, кафедрагами кириб кетса, Тилак вестибюлда қолар, атрофига дарҳол талабалар тўпланар, қизғин суҳбат бошланарди. Чори Авазни биринчи курсга кирганидан бошлаб биламан: баланд бўйли, қорача, қулоғи оғирроқ эди. Шеърни жўшиб, берилиб ўқирди. Равшан Файз кечки бўлимда ўқирди. Дарс тугагач, гоҳ йўлдош, ҳамроҳ бўлардик: у Алгоритм томонда яшарди. Равшан талабалигидаёқ анча танилган шоир эди. Аъзам Ўктам, унинг курсдошлари билан тушган расмларим анча. Мен Аъзамжонларга 3-курсда «Ҳозирги ўзбек адабиёти» фанидан дарс ўтганман.

Аъзамжон Озод акани ниҳоятда ҳурмат қилар, домланикига бот-бот борарди. Аъзамжонни сўнгги бор метрода кўрдим. Одам кўп эди. Менга жой берди. Гаплашиб кетдик. Шунда у инфаркт бўлганини, анча қийналганини айтди. Орадан бир ҳафта, ўн кунлар ўтгач, Аъзам Ўктам вафот этганини эшитдим.

«Эрта сўнган юлдузлар»дан Абдулла Турдиевни, Рустам Ҳамроқуловни яхши билар эдим. Абдулла Турдиев истеъдодли, гапдон, ҳазилкаш, ширинсўз эди. У қаерда ишламасин, ўзини самимий тутар, таниш-билишларини таҳририят ишида ҳамкорлик қилишга чақирарди. Абдулла, Тилак, Равшан, Аъзам, Амирқуллар Тошкентдан уй-жой қилиш учун кўп азият чекишди. Ҳозир уларнинг ўғил-қизлари ўзларини ўнглаб олдилар. Абдулла Турдиев, Ҳусан Эшмурод, Тилак Жўра, Шавкат Раҳмоннинг ўғиллари мутахассис, ноиб, яхши инсонлар сифатида оталарига муносиб издош бўлмоқдалар.

Эрта сўнган юлдузлар ҳақидаги мақолаларни Хайриддин Султонов, Набижон Боқий, Қутлибека Раҳимбоева, Сирожиддин Саййид, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Дадахон Нурий, Ғайбуллоҳ ас-Салом, Нажмиддин Комилов, Б.Дўстқораев, Х.Рўзиев, Дилмурод Қирғизбоев, Рустам Мусурмон, Ш.Қурбон, Т.Адашбоев, Шойим Бўтаев, Сергей Немцевич, Оллоёр, Мираббос Мирзааҳмедовдай таниқли кишилар ёзишган. Эрта сўнган юлдузлар ҳақида ҳаммадан кўп куйиб-ёнган — уларнинг рафиқалари, она, фарзандлари бўлганлиги аниқ кўриниб турибди.

Ушбу китобнинг яратилишида журналист, шоира Муҳаббат Ҳамроева хизматлари беқиёсдир. У бир қанча марҳум санъаткорлар ҳақида мақола ёзди, асарларини танлади, уларнинг яқинлари билан суҳбатлар қурди. «Эрта сўнган юлдузлар» тўпламидаги ҳар бир мақола суҳбатда Муҳаббатнинг саъй-ҳаракатлари сезилиб туради. Ўтганларни ёд этган, улар ҳақида китоб-хотиралар тайёрлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди, битмас савобга эришади.

Ўзбек адабиётшунослигида ўтганлар руҳини шод этиш ажойиб анъанага айланган. Бундан чамаси 30 йиллар муқаддам Маҳмудали Юнусовнинг «Эрта учган қалдирғоч» мақоласи битилган бўлиб, Раъно Узоқова, Теша Сайдалиев, Ҳайриддин Салоҳ сингарилар ҳақида маълумот берилган эди. Бизда А.Қодирий, Чўлпон, Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Мақсуд Шайхзода ҳақида хотира-китоблар яратилган. Наим Каримовнинг «Ойбек», «Ҳамид Олимжон», «Усмон Носир», «Чўлпон», Адҳам Акбаровнинг «Ғафур Ғулом», Озод Шарафиддиновнинг «Абдулла Қаҳҳор», Отаёрнинг Миртемир ҳақидаги хотира-асарлари санъаткор ёзувчилар ҳаёти, ижоди ҳақида бебаҳо биографик материалларга эга. Ўтганларни, хусусан санъаткорларни хотирлаш (китоб ёзиш, фильм яратиш, кўргазма уюштириш) ўзбек адабиётидаги савобли, доимий анъанадир.

**Абдуғафур РАСУЛОВ**

*Мунажжим башорати*

# ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТЛАР КУНИ

**31 МАЙ, СЕШАНБА**

**Раҳбарлар билан, обрўли ва машҳур кишилар билан учрашсангиз фойдали бўлади — мунажжимлар бугунча шуларни ваъда қилишяпти.**

Шу куни туғилганлар ғоят меҳнатсевар, айтганини айтган вақтида қиладиган, ҳеч эринмайдиган ҳамда яхши ижрочи ва қатъиятли кишилар бўлиб етишади. Уларнинг бутун ҳаёти ишда ва ташвишда, фарзандлар тарбиясида ўтади. Табиат иньом этган шифокорлик, табиат қонунлари тўғрисидаги билимлар уларнинг обрў-эътиборларини янада оширади. Шу куннинг одамларига хос яна бир фазилат ҳақиқатни билишга интилувчанлик, бу йўлда ҳар қандай майда-чуйдаларга ҳам эътибор қила билиш ва тўғри хулосалар қилишдан иборат.

Бугунги кун янги танишувлар, айникса, аёллар, қизлар ва рассомлар билан, ижодкор кишилар билан мулоқотлар учун ғоят қулай келади. Кийим-кечаклар ва санъат асарларини харид қилиш омадли бўлади. Уй ҳайвонлари ва қора мол сотиб олиш ҳам манфаатли ҳисобланади. Узоқ давом этадиган ишларни бошлаб юбориш мумкин. Шунингдек, бугун қурилиш ёки таъмирлаш ишларини бошлаб юбориш, саёҳатларга отланиш ҳам хайрли кечади.

Дармонсиз, бемор кишилар бугун кўпроқ ухлаб, дам олишлари, қувват тўплашга ҳаракат қилишлари керак бўлади. Ҳар қандай қўл меҳнати, ҳунар эгаллаш ва кўникмалар ҳосил қилиш, тижорат ишлари самарали бўлади.

Кун аломатлари асосан майда-чуйдалар билан белгиланади — мунчоқлар ва доннинг сочилиб кетиши, ғилдираб кетган узук — мағлубиятлар ва йўқотишлар белгиси ҳисобланади. У ер-бу ерингизни кесиб олишингиз, ҳашаротлар чақиб олиши — салбий эҳтиросларнинг вужудингизни қамраб олганидан нишона ва покланиш ҳамда итоаткорлик зарурлигидан огоҳлантиришдир. Қаншарнинг қичишиши, оёқларнинг салқиши ёхуд кийимнинг йиртилиши — нохушликларга ишора. Тасодифан устингизга сув тўкилиши ёки ёмғир остида қолиш ҳам — яхшиликка.

Яхшиси — бугун туш кўрмаганингиз маъқул. Фақат сувни кўриш ёки ёмғир остида қолганингизни кўришингиз яхшилик аломати ҳисобланади.

Кўзларингизни ва бош мияни асранг, стоматолог ҳузурига ташрифни бошқа кунга қолдиринг.

Либослардан сариқ-яшил, қизил ва қора ранглилари маъқул. Кулранг, кизғиш ва сиёҳранг кийимларни четга суриб қўятуринг.

**БУГУН:**

— бошлаб қўйган ишингизни давом эттиришингиз;

— оилавий ва моддий муаммоларни ҳал этиш билан машғул бўлишингиз;

— мавқеи баланд кишилар билан мулоқотда бўлиб,карз олишга уриниб кўришингиз;

— сертакаллуф ва хушмуомала бўлиб, одоб қоидаларига риоя этишингиз;

— ўз вазифаларингизни виждонан ҳалол бажариб,мансаб-мартабаларингиз ошиши ҳақида қайғуришингиз;

— интеллектуал меҳнат ва илмий иш билан машғул бўлишингиз мумкин.

Муғомбирлик, ёлғон гапириш ва ғийбатчиликдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

*Танловлар*

## ТОШКЕНТ ЭКОЛОГИЯСИ — ЁШЛАР ТАШАББУСИ

Тошкент архитектура-қурилиш институтида "Экосан" халқаро ташкилоти, мазкур институтнинг "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти, Республика Архитекторлар уюшмаси ва Тошкент Бош архитектуравий лойиҳа ташкилоти ташаббуси билан "Тошкент экологияси — ёшлар ташаббуси" танлов-кўргазмаси бўлиб ўтди.

Танлов-кўргазмага тақдим этилган лойиҳалар Тошкент архитектура-қурилиш институти архитектура факультети, Юнусобод туман Дизайн коллежи талабалари ва Республика Архитекторлар уюшмаси томонидан тайёрланган бўлиб, экологик муаммоларни ечишга қаратилган ўрнили таклифлар, ўзига хос ғоялари билан ажралиб туради.

**Ҳамидулло ИМОМОВ**



**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» республика бирлашмаси**

*Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки*

Бутун жаҳонга машҳур масхарабозлар, шунингдек аралаш ҳайвонларнинг катта гуруҳи иштирокида

**КАТТА ВА РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР**

Томошалар шанба, якшанба кунлари соат 15.00 да бошланади. 1 июнда 15.00 да бошланади. Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.

**Касса соат 9.00 дан ишлайди.**

**Маълумотлар учун телефонлар:**
**144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

*газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.*

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

**ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ**



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3868 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-407. 1 2 3 4 6